

ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан 21 декабрь куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

“Тошкент” халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Давлат раҳбарлари бир-бирларини самимий қутлаб, қисқа суҳбат ўтказдилар.

Ўзбекистон ташқи сиёсатда бошқа мамлакатлар, хусусан, қардош Қозоғистон Республикаси билан ўзаро ишонч ва яхши кўшничликка асосланган муносабатларни мустаҳкамлаш йўлидан бормоқда. Сўнгги йилларда ҳар томонлама алоқалар янада мустаҳкамланди.

Шу ўринда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик динамикасига тўхталиб ўтиш ўринли.

Қозоғистон ҳудудида Ўзбекистон резидентлари иштирокида 1 минг 400 дан зиёд корхона ташкил этилган. Қозоғистонда sanoat кооперациясининг йирик лойиҳалари амалга оширилмоқда, хусусан, Костанай, Чимкент ва Туркистонда “Ravon” автомобилларини йиғиш, маиший техника ва тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Ўзбекистонда эса Қозоғистон капиталли ишторикидаги 1 минг 100 дан ортиқ корхона фаолият юритмоқда. Беш йил аввал бу кўрсаткич деярли 6 баробар кам эди. Фақатгина жорий йилнинг 9 ойида 130 та қўша корхона ташкил этилган.

Шундан сўнг Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ҳамроҳлигида “Янги Ўзбекистон” боғига

борди. Олий мартабали меҳмон Мустақиллик монументи пойига гулчамбар қўйди.

Она Ватанимиз, мард ва жасур, тинчликсевар ва меҳнаткаш, қаҳрамон халқимиз шарафига бунёд этилган буюк обида — Мустақиллик монументи ҳақида Президент Қосим-Жомарт Тоқаевга сўзлаб берилди. Ўз навбатида, олий мартабали меҳмон “Янги Ўзбекистон” боғи, ҳудудда амалга оширилган бунёдкорлик ишларига юқори баҳо берди.

Шу ўринда энг юқори қисмида Хумо қўши тасвирланган мажмуа ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш жоиз. Мажмуа 2021 йил истиқлолимизнинг ўттиз йиллигига бағишлаб бунёд этилган. Унда мамлакатимизнинг қадим ва бой тарихи, бугунги кун билан боғлиқ энг муҳим воқеалар акс этган. Буюк аллома ва жаҳонгир боларимизнинг сиймолари эса қалбаларга гурур бағишлайди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида ҳамкорлик ҳар томонлама ривожланди. Ҳар икки давлат раҳбарлари ўзаро алоқаларни сиёсий, иқтисодий, инвестиция, фан-техника, маданий-гуманитар соҳаларда янада комплекс ривожлантириш, олий, юқори ва бошқа даражаларда конструктив ва ишончга асосланган мулоқотни кенгайтириш тарафдори эканлигини таъкидлаш лозим.

Икки мамлакат ўртасида 2017-2019 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик стратегияси қабул қилинган иқтисодий ва товар айланмасининг ўсишига туртки берди.

Бунинг натижасида 2017 йилдан буён икки мамлакат ўртасидаги ўзаро савдо икки бараварга, яъни 2 миллиарддан 4 миллиард долларгача ўсди ва у изчил ошиб бормоқда.

Хусусан, 2021 йилда давлатларимиз ўртасидаги икки томонлама савдо ҳажми 3,9 миллиард долларни ташкил қилган. 2022 йил январь-ноябрда 4,2 миллиард долларга етган.

Ўзбекистон Қозоғистонга транспорт воситалари, озиқ-овқат товарлари, турли хизматлар, пластмасса ва ундан ясалган буюмлар, тўқимачилик маҳсулотлари, қора металллар ва бошқаларни экспорт қилмоқда.

Қозоғистондан ун маҳсулотлари, қора металллар, улардан ясалган маҳсулотлар, энергия маҳсулотлари, руда ва шлак, қурилиш материаллари, транспорт воситалари ва бошқалар импорт қилинмоқда.

2021 йил сентябрь ойида Хива шаҳрида “Марказий Осиё — жаҳон цивилизациялари чорраҳасида” халқаро форуми бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон маданият вазири ўринбосари иштирок этди.

2021 йил 6-8 декабрь кунлари Остона шаҳрида “Ўзбек кинеси кунлари” ташкил этилди, жорий йил ноябрь ойида Қозоғистон шаҳарларида “Ўзбек маданияти кунлари” бўлиб ўтди.

Шу йилнинг 19 декабрида Тошкентдаги Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида атоқли қозоқ ёзувчиси, файласуфи, шоири ва бастакори Абай Қўнонбоев меросига бағишланган кўргазма очилди.

Ўзбек ва қозоқ халқлари нафақат яқин кўшни, балки қардош сифатида ҳам кўп қиррали ҳамкорликнинг барча масалалари бўйича азалдан бир-бирларини қўллаб-қувватлаб келганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу алоқаларни янада мустаҳкамлаш ҳар икки мамлакат тараққиётига хизмат қилиши шубҳасиз.

Давлат ташрифи билан мамлакатимизга келган Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев хузурида “Кўксарой” қароргоҳининг Фахрий меҳмонлар хиббонида дарахт экди.

Маросим Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларида янги давр бошланаётгани, мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчиликни қардош халқларимиз фаровонлиги йўлида янада мустаҳкамлашга қатъий интилишнинг ифодаси бўлди.

Қозоғистон етакчисининг мамлакатимизга давлат ташрифи асосий тадбирлари 22 декабрь куни бўлиб ўтади.

Олий даражадаги музокаралар якунида тарихий аҳамиятга эга битимларнинг имзоланиши кутилмоқда. Биргаликда йирик инвестиция лойиҳаларини бошлаб бериш ва оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказиш кўзда тутилган.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Иқром АВВАЛБОВЕВ,
ЎЗА мухбирлари

МУНОСАБАТ

БУЮК АЛЛОМАЛАРИМИЗ БИЗ УЧУН ҲИДОЯТ МАЁҒИДИР



Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим.

Президентимизнинг Мурожаатномаси юртимиз ҳаётида тобора алоҳида аҳамият касб этиб бораётган муҳим воқеадир. 2017 йилдан буён анъанага айланган бу ижобий тадбирда тугаётган йилдаги асосий кўрсаткичлар, янги йилга мўлжалланган мақсад ва вазифалар эълон қилинади. Янги марралар белгиланади. Кўзланган мақсадлар мазмунидан келиб чиқиб, бошланажак йил номи тақлиф этилади.

2022 йил 20 декабрь куни бўлиб ўтган навбатдаги мана шундай тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ташкилотлари раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари қатори мен ҳам иштирок этдим.


Ушбу Мурожаатномада юртимиз тараққиётининг янги босқичини ўз ичига олган режалар тақдим этилишини миллионлаб мўмин-мусулмонларимиз катта қизиқиш билан кузатди. Аҳамият-узоқни кўзлаб қилинган чиқишнинг ҳар бир жиҳати жуда кенг масалаларни ўз ичига қамраб олган.

Давлатимиз раҳбари келгуси йилга мўлжалланган устувор йўналишлар ҳақида гапириб, Янги Ўзбекистон стратегиясининг давомийлигини таъминлаш мақсадида 2023 йилни “Инсонга эътибор ва сифатли таълим” йили деб эълон қилиши бошланган эзгу ишларнинг узвий давоми бўлди.

▶ Давоми 3-бетда

АДАБИЙ ДЎСТЛИК – АБАДИЙ ДЎСТЛИК

ҚОЗОҚ АДАБИЁТИНИНГ УЛКАН НАМОЯНДАСИ



Яқинда атоқли қозоқ ёзувчиси ва публицисти Камол Тоқаевнинг асарлари илк бор ўзбек тилида замонавий дизайнда нашр этилди.

Камол Тоқаев ҳарбий-ватанпарварлик ва саргузашт-детектив жанрида фаол ижод қилган адиб сифатида кенг ўқувчилар оммасига яхши маълум. Унинг роман ва қиссалари ўткир ва қизиқарли сюжетти ҳамда кўтарилган ҳаётий масалалар тўғрисида катта эътироф ва қизгин баҳсу мунозараларга сабаб бўлган.

Адиб Иккинчи жаҳон урушида кўрсатган мардлик ва жасорати учун қатор давлат мукофотларига сазовор бўлган. Шунингдек, у Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси ва Қозоғистон Ички ишлар вазирлиги томонидан эълон қилинган кўлаб танловларда ғолиб деб топилган.

Ушбу тўпламга ёзувчининг “Сирли из”

ва “Оқишдаги қотиллик” қиссалари киритилган.

Замонавий қозоқ адабиёти ривожига улкан ҳисса қўшган атоқли адиб Камол Тоқаевнинг ушбу мухташам китоби ўзбек ўқувчилари қалбидан чуқур жой олишига ишонамиз.

Кўйида мазкур китобга ёзилган сўзбоши эълон қилинмоқда.

Ўзбек ва қозоқ халқларининг қавму қариндошлик, дўсту биродарлик муносабатлари тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Улар қадимдан ёнма-ён яшаб, бир булоқдан сув ичиб, ўзаро аҳил ва иноқ ҳаёт кеңиб келган. Халқларимизнинг тарихи, урф-одати, тили ва тақдири ҳам бир-бирига муштарак.

Ўзбек ва қозоқ элларининг адабиёти ҳам қон-қардошдир. Ўзбек адабиётининг Фафур Фулом,

Ойбек, Уйғун, Миртемир, Мақсуд Шайхзода, Зулфия, Ҳамид Фулом, Мирмуҳсин, Асқад Мухтор, Носир Фозилов сингари кўлаб таниқли намояндалари ўз асарларида қозоқ халқининг ҳаёти, самимий ва бегубор қалби, орзу-армонлари ҳақида ажойиб фикрларни ёзган ҳамда қардошларимизнинг етук асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

▶ Давоми 2-бетда

МУРОЖААТНОМАНИ ТИНГЛАБ

ВАТАНИМИЗ РАВНАҚИ ВА КЕЛАЖАК ИСТИҚБОЛИМИЗНИ БЕЛГИЛОВЧИ МУҲИМ ҲОДИСА



Ҳамма нарса инсон шаъни ва кадр-қиммати учун. Инсон қадри улуг. Мамлакатимизда амалга ошириляётган изчил ислохотларнинг бутун мақсад-муддаоси айни шунга қаратилгани билан аҳамиятли. Зеро, кейинги йилларда Ўзбекистоннинг турли жабҳада эришяётган ютуқ ҳамда натижалари ҳар қачонгидан залварли. Бунга шаҳар марказларидан тортиб, чекка қишлоғу овуллардаги ўзгаришлар яққол мисол. Ислохотлар самараси нафақат эълон қилиши бошланган эзгу ишларнинг узвий давоми бўлди.

▶ Давоми 4-бетда

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА КЎРИЛАЁТГАН ИЗЧИЛ ЧОРА-ТАДБИРЛАР

замонавий дунёда янги хавф ва таҳдидларга дош бера оладиган ёшларнинг етишиб чиқишига хизмат қилади

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 20 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси халқаро ижтимоий-сиёсий, эксперт ва ишбилармон доиралар вакилларининг диққат марказида бўлиб қолмоқда.

▶ Давоми 2-бетда

АДАБИЙ ДЎСТЛИК – АБАДИЙ ДЎСТЛИК

ҚОЗОҚ АДАБИЁТИНИНГ УЛКАН НАМОЯНДАСИ

Бошланғичи 1-бетда

Академик шоиримиз Ғафур Ғулومнинг қозоқ халқига атаб ёзган "Қозоқ элининг улуг тўйи" шеърисида қуйидаги сатрлар ҳам юқоридаги фикрларнинг ёрқин далили бўла олади:

Азамат халқ — улкан қозоқ,
Ўзбек элидан кутлов.
Бир умрга бирлаштирди
Қардошлик берган ялов.
Бир томчимиз, бир чорамиз,
Бир қозонимиз, бир олов,
Уртамизда неъмат тўла
Дастурхондай кенг ялов.
"Ўзбек эли — ўз оғам", деб
Ўтрик сўзламас қозоқ,
Жекам десам, жонга туташ,
Иним десам яқинроқ.

Қозоқ халқи "Ўзбек — ўз оғам" деса, ўзбек "Йўлдошнинг қозоқ бўлса, йўлидан адашмайсан", дейди. Бу иборалар ҳар икки қардош халқнинг қон-қонига сингиб кетган, биродарлик, дўстлик туғиларининг ёрқин ифодасига айланган, десак айна ҳақиқат бўлади.

Бу икки қардош халқни фақатгина бир тарих, бир илди, бир замин эмас, ана шу қариндошлик заминда пайдо бўлган адабий ҳамкорлик ва ҳамжихатлик ҳам боғлаб туради. Шу маънода, қозоқ адабиёти ўзбеклар учун, ўзбек адабиёти қозоқлар учун бегона эмас. Икки халқни бирлаштирувчи кучлардан бири адабиётдир. Бу адабий алоқалар мангу давом этаверади. Бунга ишончимиз комил.

Сўнги йилларда мамлакатларимиз раҳбарларининг қатъий сиёсий иродаси, саъй-ҳаракатлари туфайли Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликка асосланган муносабатлар янада ривожланиб бораётгани халқларимизни бирдек мамнун этмоқда.

Муҳтарам китобхонларимизга тақдим этилаётган мазкур асар ҳам ана шу азалий дўстлик ва биродарлик ришталарининг ёрқин тимсоли бўлиши билан бирга, бу кадрларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, десак, адашмаган бўламиз.

Ушбу китоб муаллифи Камол Тоқоев қозоқ адабиёти ва публицистикасининг атоқли намояндаларидан бири. XX аср замонавий қозоқ насрида ўз ўрнига эга бўлган, ўз даврининг нафаси ва моҳиятини ижодида теран акс эттира олган адиб ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги

роман, қисса ва ҳикоялари, шунингдек, ўткир сюжетли саргузашт асарлар муаллифи сифатида китобхонларга яхши таниш.

Таъкидлаш лозимки, мураккаб детектив жанрини қозоқ миллий насрига олиб кириш ва китобхонлар қалбидан чуқур жой олиш Камол Тоқоевдан катта куч, улкан ёзувчилик маҳорати ва маънавий жасорат талаб этгани табиий.

Бугун сизга тақдим этилаётган ушбу тўпламга адибнинг кўп йиллардан буён китобхонлар томонидан севиб мутлолаа қилиб келинаётган "Сирли из" ҳамда "Оқшомдаги қотиллик" қиссалари киритилган.

Бу асарларда воқеалар тизими ўқувчини ҳайратланарли даражада ўзига ром этади ва бу китоблар асло жавонларда сарғайиб ётмайди. Аслида, ёзувчи учун энг юксак бахт ҳам мана шунда.

Бугунги кунда танили адибнинг "Аскар урушга кетди", "Индан безган қуш" сингари романлари, "Кечаси отилган ўқ", "Махсус топширик", "Сарғабонда бўлган воқеа", "Рамзли тилла" каби унлаб қиссалари қозоқ халқининг ҳар бир хонадонидидаги китоб жавонларидан муносиб жой олгани бежиз эмас.

Китобхон ушбу асарларни ўқиганда, тасвир этилмиш воқеаларнинг ҳаётийлиги, ифода тили ва қаҳрамонларнинг характерларидан беихтиёр таъсирланиши шубҳасиз. Ўқувчи асарда тасвирланаётган воқеалар давомида интиқ бўлиб кутар экан, демек, бу ҳолат асарнинг муваффақияти ва ижодкорнинг маҳоратидан далолат беради.

Шу маънода, Камол Тоқоевнинг ўзига хос бадиий услуби ва ифода маданияти, қалбимизни ром этувчи кўркам насри бор, десак, айна ҳақиқатдир.

Ёзувчи қандай мавзуга кўл урмасин, ҳаммиса сўзга, бадиий ижодга юксак масъулият билан ёндашади. Ҳар бир асарини қалб тугенлари билан яратди. Шу боис, бу асарларни мутлолаа қилган ҳар бир китобхон ўз даврининг моҳиятини бадиий ифодада оingan ёзувчининг ижодида чин дилдан ихлос қўйиб, унинг муҳлисига айланади.

Замонавий қозоқ адабиёти ривожига улкан ҳисса қўшган атоқли адиб Камол Тоқоевнинг ўзбек тилида биринчи бор чоп этилаётган асарлари китобхонларимиз қалбидан чуқур жой олишига ишонамиз.

Сирожддин САЙИД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюмси раиси,
Ўзбекистон халқ шоири

КУН МАВЗУСИ

ТАРАҚҚИЁТ ФОРМУЛАСИ ЧАРХЛАНИБ БОРМОҚДА

Одилжон ТОЖИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари

Президентимизнинг Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасини катта диққат-эътибор билан тингладик. Давлатимиз раҳбаридан ҳар сафаргидек янги ташаббуслар, оригинал гоьлар, мулоҳаза учун фикрлар олдик, ўзимиз учун вазифалар белгиладик.

Мурожаатнома юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ҳамда халқимизнинг ҳалол меҳнати орқали эришилган ютуқлар ҳақида бошлангани жамиятимизнинг ҳар бир аъзосига кўтаринки руҳ бағишлади. Жасоратли меҳнатга эса, албатта, биринчи навбатда, хотир-жатли керак бўлади.

Яқунлаётган 2022 йил бутун дунё мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистон учун ҳам синовли келди. Президентимиз қайд этганидек, Қорақалпоғистонда содир бўлган нохуш воқеалар бизни халқ сифатида синовдан ўтказди. Шўкри, кўп миллатли халқимизнинг оқиллиги ва донишмандлиги билан вазият тезда изга тушди. Бирдамлик, жипслик оғир вазиятларда, синовли кунларда билинди. Ўзбек билан қорақалпоқнинг ўтмиши бир, бугун ҳам, келажаги ҳам бир.

Мамлакат ичидидаги ҳамжихатлик дунёда хавф-хатарлар ҳар томонлама кучайиб бораётган бир пайтда халқ килувчи омил бўлади. Айниқса, бугунги кунда кўп минтақаларда юзага келаётган иқтисодий-сиёсий ва иқтисодий қийинчиликлар буни яна бир бор яққол кўрсатиб қўйди.

Шундай ҳавотирли глобал тенденцияларга қарамай, Ўзбекистонда туб ислохотлар изчил давом эттириляпти, келаси йилга ҳам улкан янги мақсад ва вазифалар қўйилди. Мурожаатномада иқтисодий сиёсатни янада либераллаштириш, ижтимоий соҳаларга эътиборни кучайтиришга катта уруғ берилди. Бунинг замирида, албатта, Ўзбекистонда ташиқ турбулентликларга дош бера оладиган иқтисодиёт барпо этилгани, халқимизнинг ушбу ислохотлар атрофида жипслашгани, Президентга юксак ишончи ётади.

Кўп жаҳаларда юртимиз дунёнинг бугунги "тренд"ларига бўйсунмаган ҳолда, дадил қадамлар билан олдинга илдамламоқда. Мисол учун, 70 та мактаб қуриш мақсадини ҳеч

иқиланмасдан жасоратли режа, деб атаса бўлади. Жорий йилда мамлакатимиз тарихида илк бор пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори минимал истеъмол харажатларидан кам бўлмаган даражага олиб чиқилди. "Биз иш ҳақи, пенсия ва нафақалар миқдорини, аҳоли жон бошига даромадларни ошириш сиёсатини изчил давом эттирамиз", деди давлатимиз раҳбари.

Мурожаатномада халқимиз кутаётган яна бир муҳим масала ҳам эътибордан четда қолмади. Президентимиз бугунги кунга қадар 220 мингдан зиёд тақлиф келиб тушгани, Ўзбекистон аҳолиси конституциявий ислохотга катта қизиқиш, дахлдорлик ҳисси билан қараётганини таъкидлади. "Аввал инсон, кейин жамият ва давлат" гоёсини Бош қонунимиз ва қонунларимизга ҳам, кундалик ҳаётимизга ҳам чуқур синдиришимиз кераклиги бежиз айтилмади. "Жамият — ислохотлар ташаббускори" тамойили асосида барча масалалар бўйича халқ билан бамаслаҳат иш тутилиши яна бир бор қайд этилди. "Умуман, мазмунини "инсон қадрини улуглаш" руҳи билан бойитилган, келажак авлодларга муносиб хизмат қиладиган, Янги Ўзбекистонга мос бўлган Конституцияни ҳар томонлама ўйлаб, шойилмасдан ишлаб чиқишимиз керак", деди давлатимиз раҳбари.

Кейинги йилларда парламентнинг қонун ижодкорлиги, қонунлар ижросини назорат қилиш ва сайловчилар билан бевосита мулоқот борасидаги фаолияти янги босқичга кўтарилди. Роппа-роса беш йил аввал Президентимиз ташаббуси асосида парламент назорати объектлари доирасини кенгайтиришни назарда тутувчи "Хукумат соати" институти жорий этилган. 5-10 йиллар аввал амалда бўлган қонунларимизга асосан, парламент фақат давлат органлари фаолияти устидан назорат олиб бориши мумкин эди.

Ҳўжалик бошқаруви органларига депутатлар савол ҳам бера олмади. Сайловчиларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ ҳимоя қила олмадик сабаб бўлган бу ҳолат депутатлик корпусининг жамият олдидидаги маъқеи, нуфузига таъсирини курсатмасдан қолмасди.

Энди эса парламент вакилларининг ваколати кенгайтирилди, йил бошида тасдиқланадиган режага мувофиқ, ҳар ойда ҳукумат аъзоларининг ҳисоботи эшитиладиган ва шу бўйича тегишли қарорлар қабул қилинадиган бўлди. Депутатларимиз жойларда ўз электорати томонидан берилаётган саволларни "хукумат соат"ларида тегишли вазирлик ва идораларга йўллагани.

Айни пайтда масъулларга ўткир савол ва эътирозлар билдирилиши билан натижага эришиб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Мурожаатномада Олий Мажлис ваколатларини янада кенгайтириш бўйича амалий ташаббус билдирилгани биз, депутат ва сенаторлар ўз иш услубимиз ва фаолиятимизни янада яхшилашимиз зарурлигини аниқлади. Бундан буён иккала палатада ҳам мавжуд кўмита ва комиссиялар вакиллари ташаббус билдирилгани айуналишда ёки ҳуқуқда иш яхши кетмаётганини қўрсатишдан ташқари камчиликлар бўйича жойига чиқиб аҳоли фикрини ўрганади ва масалага биргаликда ечим топишлари лозим бўлади.

Бу ўзгариш халқимизга нима беради? Аввало, одамларни рози қилиш учун нафақат ижроия ҳокимият, балки парламент ҳам бирдек ишлаши, депутатлар ўз сайловчилари олдидида бурчи, мажбуриятини тўлақонли адо этишига имкон беради.

Келгуси йили парламентнинг кенгайтирилган ваколати ва маъмурий ислохотлар доирасидаги янги ташаббуслар Конституциямизда, албатта, белгилаб қўйилиши лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Президентимизнинг юртимизда мулк ва инвестиция дахлсизлигига Конституция, қонун ва суд тизими қафолат бўлиши, шунингдек, одил судлов тизимини такомиллаштириш борасида қатор муҳим ташаббусларни Конституциянинг янги таҳририда муҳрлаб қўйиш тараққиётимизнинг ҳозирги босқичдаги пойдеворига айланishi мукаррар.

Ҳа, мамлакат ривожини янги поғонага олиб чиқиш учун, албатта, қонунчилигимиз, айниқса, Асосий қонунимиз ўзгариши, замона мав ривашда мукамал бўлиши лозим. Биз тўғри йўлда эканимиз, олижаноб халқимиз билан биргаликда Конституциямизни янгилашга бел боғланганимиз тараққиётимиз формуласи ҳам такомиллашиб, чархланиб бораётганидан далолат.



ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА КЎРИЛАЁТГАН ИЗЧИЛ ЧОРА-ТАДБИРЛАР

замонавий дунёда янги хавф ва таҳдидларга дош бера оладиган ёшларнинг етишиб чиқишига хизмат қилади

Бошланғичи 1-бетда

Такаши ХАТОРИ, Япония элчиси:



— Ўзбекистон Президенти Мурожаатномасидаги иштиёқ ва жўшқинлик, сиёсий қарашлар, мамлакат халқи ва унинг келажигига бўлган муносабат менда катта таассурот қолдирди.

Давлат раҳбарининг таълим-тарбияга алоҳида уруғ бергани жуда қувонтирди. Еш авлодининг мустаҳкам билимга эга бўлиши давлат тараққиёти учун зарур, деган фикрга тўла қўшилиамиз.

Япония ҳукумати Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантиришдан манфаатдор.

Мамлакат раҳбари, шунингдек, хорижий тилларни ўрганиш аҳамиятини ҳам қайд этди. Шу нуқтаи назардан, япон тилини билиш ҳам икки томонлама муносабатларимизни ривожлантиришга катта ҳисса қўшишини қайд этишни истар эдим.

Япония ва Ўзбекистон ўртасида ўзаро манфаатли соҳалардаги ҳамкорлик изчил давом этишига ишонаман.



Аҳмад ал-КАСИРИЙ, Умон элчиси:

— Ўзбекистон Президенти Мурожаатномаси жуда кенг қамровли бўлди, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жаҳаларини қамраб олди. Ушбу дастуриламал ҳужжатда эришилган муваффақиятлар, орда қолаётган йил якунлари ва 2023 йилга мўлжалланган режалар эълон қилинди. Шу билан бирга, республикани сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий модернизация қилишнинг устувор йўналишлари белгилиди.

Шавкат Мирзиёев ўз Мурожаатномасида инвестицияларни жалб этиш масаласига алоҳида тўхтади. Ўзбекистон ва Умон 500 миллион АҚШ долларига тенг сармоявий компания ташкил этган. Умон сармоядорлари учун Ўзбекистон Президенти мамлакатдаги мингга яқин корхона хусусийлаштирилишини эълон қилгани, шубҳасиз, иқтисодиётга катта сармоя жалб этиш нуқтаси назаридан жуда муҳимдир.

Мурожаатномада таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратилди. Умид қиламанки, Ўзбекистонда таълимни ривожлантириш бўйича қўрилаётган изчил чора-тадбирлар замонавий дунёда янги хавф ва таҳдидларга дош бера оладиган ёшлар етишиб чиқишига хизмат қилади.

Барча билдирилган ташаббуслар жамиятни янада ривожлантириш, халқ фаровонлигини мустаҳкамлашга ижобий таъсир кўрсатади.

Маниш ПРАБХАТ, Ҳиндистон элчиси:



— Мурожаатномада мамлакатнинг истиқболдаги тараққиётига оид чуқур қарашлар ўз аксини топди. Президент 2023 йилни Ўзбекистонда "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили", деб эълон қилди. Бу халқ фаровонлигига етаклайдиган маърифатли раҳбарликдан нишон. Биз аҳолининг ижтимоий базасини мустаҳкамлаш муҳимлигини яхши тушунамиз, бусиз барқарор тараққиётга эришиш имконсиздир.

Президент мактаб ва мактабгача таълимнинг аҳамиятига янада кўпроқ эътибор қаратмоқда.

Дарвоқе, давлат раҳбари томонидан тилга олинган мактабларда ўқувчиларни бепул тушлик билан таъминлаш Ҳиндистондаги

давлат мактабларида ҳам жорий этилмоқда. Менимча, мақсад ва гоьларимиз муштарак.

Президент Шавкат Мирзиёев бошқа қатор соҳаларда ҳам кенг қўламли ислохотлар олиб борилаётганини қайд этди. Ҳиндистон Ўзбекистон билан барча соҳаларда стратегик шерик сифатида ҳамкорлик қилишга тайёр. Олий таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ўзаро алоқаларимиз янада жадаллашмоқда.

Тило КЛИННЕР, Германия элчиси:



— Давлат раҳбари томонидан 2023 йил Ўзбекистонда "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили", деб эълон қилингани келгуси йилда мамлакатда ижтимоий сиёсатни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилишидан далолат беради, деган хулосага келиш мумкин. Шунингдек, Мурожаатномада иқтисодиётни модернизация қилиш, хорижий сармояларни фаол жалб этиш, хусусийлаштириш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, "яшил" энергияни жорий этиш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Санаб ўтилган бу соҳаларнинг кўпчилигида Германия Ўзбекистон билан фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Сизни ишонтириб айтаманки, келаётган 2023 йил Германия — Ўзбекистон муносабатларини янада ривожлантириш нуқтаи назаридан ҳам муҳим бўлади. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон раҳбарияти ва халқига янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

Аҳмад ТАРАБЕК, сиёсатшунос, Марказий Осиё бўйича мутахассис (Миср):



— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Мурожаатномаси билан яқиндан танишар эканман, ушбу ҳужжатни кенг қўламли ислохотлар дастури, деган фикрга келдим.

Президент икки соатдан кўпроқ давом этган маърузасида ўзбек жамиятини

ташвишга солаётган асосий ва долзарб муаммолар ва уларнинг аниқ ечимлари тилга олинди.

Хусусан, одил суд тизимини яратиш, адвокатлар родини ошириш, жамиятда инсон қадрини мустаҳкамлаш, аҳолига малакали давлат хизматлари кўрсатиш, таълим ва соғлиқни сақлаш сифатини ошириш, иш ўринларини кўпайтириш, тадбиркорлик равнақи учун янги имкониятлар яратиш, бюрократия, коррупцияни йўқ қилиш бўйича аниқ-равшан йўл-йўриқлар берилди. Келгуси йилнинг "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили", деб эълон қилиниши ҳам ушбу тақлифлар амалга оширилишидан далолат беради.

Шу ўринда хорижлик инвесторларнинг мамлакатга ишонч билан сармоя киритиши учун тўқсинлик қилаётган айрим масалалар ҳам кўрсатиб ўтилди. Фақатгина қонун устувор бўлган ва адолатли суд тизими ўрнатилган давлатдагина том маънодаги эркин иқтисодиёт гуркираб ривожланади. Ўзбекистон бозорига кирмоқчи бўлган салоҳиятли сармоядорлар кўп. Шавкат Мирзиёев томонидан тақлиф этилаётган чора-тадбирлар эса мамлакат иқтисодиётининг сезиларли даражада ўсиши ва аҳоли фаровонлиги юксалишига олиб келишига аминман.

Илгар ВАЛИЗОДА, Жанубий Кавказ сиёсатшунослар клуби раҳбари (Озарбайжон):

— Давлат раҳбари нутқининг мазмун-моҳияти Ўзбекистон ўз фуқароларининг муаммоларини ҳал этаётган ижтимоий йўналтирилган давлат бўлиб қолаётганини яққол намоён этди. Мамлакат етакчиси глобал нотинчлик ва иқтисодий маъмулик шароитида ҳам ҳукумат нафақа ва пенсияларни ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларини давом эттиришини, ижтимоий таъминот масалалари устида ишлашнинг тўхтатмаслигини алоҳида таъкидлади.

Президент мамлакатдаги конституциявий ислохотга тўхтаб экан, бу жараён катта янгиланишлар ва ўзгаришлар олиб келиши-



катлини жорий этилиши ҳақидаги тақлифлар Ўзбекистоннинг келажак авлодга бўлган эътиборини яққол намоён этди. Мурожаатномада, шунингдек, ислохотлар қўламини кенгайтириш, хусусан,

миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва унинг ўсиш суръатларини ошириш бўйича белгиланган вазифаларга алоҳида уруғ берилганини ҳам таъкидлаш зарур.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг давом эттирилиши ва ички имкониятлар тўлиқ сафарбар қилингани ҳолда, хусусий секторнинг янада қўллаб-қувватланиши, ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий тенгсизликни қисқартириш хорижий инвесторлар фаолияти учун янада кўпроқ шароит яратди.

Ишончим комилки, кириб келаётган 2023 йилда Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида белгиланган вазифалар тўлиқ амалга оширилади ва мамлакат кузлган марраларига катта муваффақият билан эришади.

"Дунё" АА

МУНОСАБАТ

БУЮК АЛЛОМАЛАРИМИЗ БИЗ УЧУН ҲИДОЯТ МАЁФИДИР



Нуриддин ХОЛИҚНАЗАРОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари
идораси раиси, муфтий

Бошланғич 1-бетда

Азим пойтахтимиздаги Халқаро конгресс марказида бўлиб ўтган бу галли нуфузли анжуманда давлатимиз раҳбари ҳозирги гоёта мураккаб даврда тинчлик-осойишталикни асраб-авайлаш нечоғли муҳим экани ҳақида сўз юритиб, ушбу жиҳатларга алоҳида тўхтади: “Бутун дунёда кучайиб бораётган радикализм, экстремизм, терроризм, одам савдоси, гиёҳвандлик каби хатарлар, афсуски, бизни ҳам четлаб ўтмаяпти.

Лекин такрор айтаман, мусулмон умматига сабоқ берган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий каби буюк уламолар етишиб чиққан бизнинг диёримизда бу борада адашганлар, радикализм ва экстремизм ғояларига берилганлар бўлиши мумкинми?

Биз жамиятимизда ҳар қандай радикаллашувга, ёшларимиз онгини бузгунчи ёт ғоялар билан захарлашга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга, маърифат ўрнини жоҳлат эгаллашга йўл қўймаймиз”.

Шубҳасиз, ҳозирги кунда юртимизда тинчлик-осойишталикни таъминлаш, миллатлараро ҳамжиҳатлик ва диний бағрикенгликни янада мустаҳкамлаш йўналишидаги ишларни изчил давом эттириш долзарб вазифадир. Зеро, тинчлик ва хотиржамлик — Аллоҳ таолонинг буюк неъматидир. Барча эзгу ишлар рўёбга чиқишининг боиси ҳам осойишталикда бўлади. Бу неъмат бебаҳо экани тўғрисида ислом дини манбаларида ҳам такрор-такрор айтилган.

Қуръони каримнинг юздан ортиқ оятда тинчлик, эзгулик ва бағрикенгликка чақирилган. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

“Аллоҳ ризосини топишга интиланларни Қуръон билан тинчлик ва саломатлик йўлларига йўллаб, Ўз изни билан уларни зулматлардан нурга чиқарур ва тўғри йўлга ҳидоят қилур” (“Моида” сураси, 16-оят).

Ҳазрати Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларининг бирида тинчлик-хотиржамлик энг улғу неъмат эканини таъкидлаб, бундай деганлар: “Икки неъмат борки, кўпчилик инсонлар унинг қадрига етмайдилар. Улар тинчлик-хотиржамлик ва сихат-саломатликдир” (Имом Бухорий ривояти).

Ҳаётнинг бир маромда давом этиши, Ҳақ таоло буюрган вазифаларни мукамал ва хотиржам адо этиш ҳамда олдимизга қўйган эзгу мақсадларга эришиш учун, албатта, тинчлик-осойишталик зарур. Яратган Парвардигор ана шу тинчликни сақлаш ва қадрлаш вазифасини инсон зиммасига оқлаб, шайтоний йўлларга эргашмасликка амр этган: “Эй имон келтирганлар! Ёлпасига тинчлик ишига киришингиз ва шайтоннинг изидан эргашмангиз! Албатта, у сизларга аниқ душмандир” (“Бақара” сураси, 208-оят).

Демак, тинчлик қарор топган юртдагина осудалик ҳукм суради, фарзанду набиралар эмин-эркин камолга эришади, мўмин-мусулмонларимиз ибодатларини хотиржам адо этади. Буларнинг барчаси тинчлигимиз шарофатидан.

Мурожаатномада давлатимиз раҳбари бугунги кунда тинчликдек улғу неъматдан ҳамма ҳам баробар баҳраманд эмаслигини алоҳида қайд этди. Чунки дунёнинг турли бурчақларида, айниқса, мусулмон ўлкаларида террорчилар

томонидан қўрувчиликлар, ноҳақ қон тўкишлар содир этилмоқда. Бундай мудҳиш воқеалар дунёнинг тинчлик-севар халқлари қатори биз, мўмин-мусулмонларнинг ҳам қалбини ларзага солмоқда.

Президентимиз нутқида “Маърифат ўрнини жоҳлат эгаллашга йўл қўймаймиз”, дея алоҳида таъкидлади. Бунинг замиридаги ҳикмат шундаки, қуролга қурол билан жавоб берилса, шу ҳолат давом этаверади, уруш-низолар барҳам топмайди. Лекин уларга илму урфон, маърифат билан жавоб берилса, қилаётган ишлари хато экани тушунтирилса, уларнинг муносабати ижобий томонга, албатта, ўзгаради.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари ўз нутқида муборак ислом динимизнинг асл инсонпарварлик моҳиятини кенг жамоатчиликка, хусусан, ёшларга етказиш муҳим вазифа эканини алоҳида қайд этди.

Аллоҳ таоло диёримизга Ўзининг азиз неъматидир — тинчлик, осойишталикни берди, қут-бароқа, фаровонликни ато этди. Атрофга назар солсак, бизни ўраб турган сон-саноксиз неъматлар қуршовида яшаётганимизга амин бўламиз. Қуръони каримда Роббимиз бундай марҳамат қилади: “Шунингдек, сизларга барча сўраган нарсаларингизни ато этди. Агар Аллоҳнинг неъмат(лар)ини санасангиз, саноғига ета олмайсиз”.

Биз қанча шукр қилсак, шунча оз. Ушбу сурурли дамлар бардавом бўлмоғи учун тинчлик неъматининг шукронасини қилиб, уни кўз қорачиғидек асрамоғимиз даркор. Чунки неъматлар шукри билан давомли ва зиёда бўлади. Зеро, муқаддас Қаломда “Яна Роббингиз эълон қилган (бу сўзлар) ни эслангиз: “Қасамки, агар (берган неъматларимга) шукр қилсангиз,



ТИНЧЛИК – УЛУҒ НЕЪМАТ, ИНСОН ҲАЁТИНИНГ БИРЛАМЧИ ШАРТИ. ЧУНКИ ЯХШИ ТУРМУШ, ФАРОВОНЛИК, ЭЗГУ МАҚСАДЛАРИНИНГ РЎЁБИ, ЭНГ АВАЛЛО, ШУ НЕЪМАТГА БОҒЛИК. ШУНИНГ УЧУН ҲАМ ҚАДИМДАН БАРЧА ХАЛҚЛАР ТИНЧЛИКНИ АСРАШ УЧУН МОЛИЮ ЖОНИ БИЛАН КУРАШГАН.

Ҳаж сафари квотаси жорий йилда 12 минг нафарга етди, 70 минг нафарга яқин юрдошимиз умра зиёратини амалга ошириш бахтига эришди.

Бугун динимиз таълимотларини илмий ўрганиш ва кенг тарғиб этишга ҳар қачонгидан кенг эътибор қаратилмоқда.

жамлик) сўранлар”, деганлар. Шу нуқтаи назардан, қайси хонадонга кирманг, қандай йўғин ёки маърақа бўлмасин, фотиҳага қўл очилганда, ёшу қари, эркак аёл — барчамиз Яратгандан тинчлик ва осойишталикни сўраб дуо қиламиз.



албатта, (уларни янада) зиёда қилурман. Борди-ю, ношукурлик қилсангиз, албатта, азобим (ҳам) жуда қаттиқдир”, деб марҳамат қилинган (“Иброҳим” сураси, 8-оят). Ҳар бир инсон бахтли, фаровон, тўқинчиликда яшашни истайди. Бунинг учун эса Яратгanning берган неъматларига шукр вожиб бўлади.

Бугунги кунда Ўзбекистонимиз тарқиқётнинг янги босқичига дадил одимлаётгани ва барча соҳаларда катта ютуқларни қўлга киритаётгани Парвардигорнинг чексиз марҳаматидир. Аллоҳга шукрки, сўнгги йилларда диний-маърифий соҳадаги кенг қўламли ислохотлар, янгидан очилаётган масжид-мадрасалар, қайта чирой оцаётган қадамжолар мўмин-мусулмонларни чексиз мамнун этмоқда.

Юртимиз бўйлаб қад ростлаган, мухташам қиёфа касб этган масжидлар сони 2100 дан ошди. Сўнгги 5-6 йилнинг ўзида 70 дан зиёд янги масжид очилди, 200 дан зиёда қайта бунёд этилди. Бундай ишлар жадал давом этмоқда.

Охириги йилларда 3 та диний таълим муассасаси — Бухорода Мир Араб олий мадрасаси, Самарқандда Ҳадис илми олий мактаби ва Сурхондарёда Имом Термизий мадрасаси таъсис этилди, қабул квоталари бир неча баробар оширилди. Шунингдек, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ташкил этилиши диний соҳа ривожланишида муҳим босқич бўлди.

Бу борада Марказий Осиёда ягона бўлган Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази барпо этилмоқда.

Самарқандда Имом Бухорий, Сурхондарёда Имом Термизий, Тошкентда Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари фаолият юритмоқда. Шунингдек, турли ҳудудларда ҳадис, қалом, ақида, тасаввуф, фикҳ илмий мактаблари мавжуд.

Албатта, мана шундай улкан неъматларнинг бардавом бўлиши Яратган Парвардигорнинг улғу инояти ва ҳукм сураётган тинчлик-хотиржамликнинг маҳсулидир.

Унутмаслик керакки, тинчлик учун, уни асраб-авайлаш учун БАРЧА МАСЪЪУЛ!

Бу, ўз навбатида, доимий ва қатъий ҳаракатларни талаб этади. Хушёрлик, огоҳ бўлиб яшаш бир кунлик ёки бир ойлик мавсумий масала эмас, балки кундалик иш, кундалик амалий ҳаракат бўлиши лозим.

Шу ўринда биз — дин пешволари, уламолар ва имом-хатиблар ўз олдимизга қатъий мақсадларни қўйган ҳолда, тинчликни таъминлашга дахлдорлик ҳиссини чуқур англашимиз зарур.

Пайгамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан саҳоба кирилар: “Ё Расулulloҳ, биз Аллоҳ таолога дуо қилганимизда кўпроқ нимани сўрайлик?” деб сўраганда, Пайгамбар алайҳиссалом: “Аллоҳ таолодан офият (тинчлик, хотир-

маданий-маърифий ва оилавий қадриятларни йўқотишга ундаш йўли билан жамиятда радикал қарашларни тарқатаётгани таъшиши ҳолатдир. Биз бунга мутлақо йўқ қўймаслигимиз керак!

Республикамизда сўнгги йилларда жаҳолатга қарши маърифат билан курашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўлда аҳолининг диний-маърифий саводхонлигини ошириш, экстремистик оқимлар сафига адашиб кириб қолган ва қилган ишидан чин дилдан пушаймон бўлганларга нисбатан кечиримлилик сиёсати юритиш, ёш авлоднинг турли бузгунчи оқимлар сафига кириб қолишининг олдини олиш бўйича мунтазам тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, диний соҳада диний ва дунёвий билимларни эгаллаган, фуқаролар орасида диний асосдаги экстремизм мафқурасига қарши иммунитетни шакллантира оладиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва оммавий ахборот воситаларини бузгунчи ғояларга қарши кураш ишларига фаол жалб этишга катта эътибор қаратилмоқда.

Кўп йиллик тажрибалар кўрсатмоқдаки, ёшлар етарли билим-тушунчага эга бўлмагани, ўта таъсирчанлиги туфайли экстремизм ва радикализм мафқураси олдида энг заиф қатлам бўлиб қоляпти. Бугунги кунда ақидапараст оқимлар ёш авлодни сафларига жалб қилишда интернет тармоғидан кенг фойдаланмоқда, унинг ёрдамида вайронкор мафқураларни уларнинг онгига фаол сингдиришга ҳаракатлар бўлмоқда.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва диний соҳа ходимлари томонидан жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, аҳоли орасида турли экстремистик оқим вакиллари томонидан бузгунчи ғоялар тарқатилишининг олдини олиш, фуқаролар, айниқса, ёшларда маънавий иммунитет шакллантириш юзасидан жойларда аҳоли билан диний-маърифий суҳбатлар, намозларда тушунтириш ишлари, ОАВ, интернет, ижтимоий тармоқлар орқали доимий

чиқишлар қилиш ҳамда ислом маърифатига оид нашр маҳсулотларини тарқатиш каби кенг фаолиятлар амалга оширилмоқда. Бундай маърифий тарғибот ишларини янада жадал давом эттириш даврнинг ўткир талабидир.

Мана шундай тарғибот ишларида диний соҳа ходимлари ислом дини радикализм, экстремизм, терроризм, одам савдоси, гиёҳвандлик каби ижтимоий иллатларни бутунлай қоралашини таъкидламоқда. Зеро, Аллоҳ таоло Ер юзиде бузгунчилик қилмаслиқни буюриб, “Аллоҳ эса фасодни (бузгунчиликни) ёқтирмайди” (“Бақара” сураси, 205-оят), шу суранин 60-оятда эса, “Аллоҳнинг ризқидан еб-ичингиз, Ер юзиде бузгунчилик қилмангиз!” деб огоҳлантирган. Расул алайҳиссалом ҳадиси шарифларида “Ҳақиқий мусулмон унинг қўлидан ва тилидан бошқа мусулмонга озор етмайдиган кишидир”, дейилган (Имом Бухорий ривояти).

Ушбу фаолиятда миллий мустақиллик ғояси бирлаштирган, хур фикрли ва тараққийпарвар аждодларимиз бўлган жадидларнинг миллий онни юксалтириш, аҳоли ичда маърифат тарқатиш, таълимни ривожлантириш, озод ва фаровон, демократик жамият қуриш каби ғоялар илгари сурилган илмий меросидан кенг фойдаланиш тарихий заруратдир.

Шундай экан, атрофга бир назар ташлашда, юртимизда бўлаётган бунёдкорлик, ободончилик ва кундан-кунга гўзаллашиб бораётган гўшаларни қуриб, кишининг кўзи қувнайди, дили яйрайди.

Шуларни ҳис этарканмиз, муҳтарам азиялар, фарзандларимиз, набираларимиз бахти учун яшайлик, уларнинг ёшлик йиллари саодатли замонга тўғри келганини англатайлик. Буларнинг барчасига шукр қилиш керак. Пайгамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бир ҳадиси муборакларида “Ким оиласи тинч, жасади саломат ва ҳузурда бир кунлик таоми бор ҳолатда тонг оттирса, унга дунё тўлиғича берилибди”, деганлар (Имом Бухорий ривояти).

Инсон — азия мукаррам зот. Шу боис, давлатимиз раҳбари томонидан 2023 йилни “Инсонга эътибор ва сифатли таълим” йили деб номлаш таклифи илгари сурилгани кўпчиликни қувонтирди. Сабаби, Мурожаатномада баён этилган режа ва лойиҳалар, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз тараққиётини, халқимиз фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади. Бундай хайрли ишлар юртимизда инсон қадри ҳамма нарсадан устун бўлиши керак, деган тамойилнинг мантиқий давомидир.

Ислом инсон қадрини ниҳоятда юқори даражага қўтаради. Динимизда инсоннинг қадр-қиммати қалби поклиги, мақсади эзгулиги, ундаги имон-иҳлос ва қилган яхши амаллари билан ўлчанади. Инсон қадрини ўлчашнинг ана шу илоҳий мезонлари ишга солингандагина одамлар ҳақиқий қадрини топади. Зотан, ислом дини нозил қилинишининг бош сабаби ҳам, бу муқаддас диннинг асл моҳияти ҳам инсон қадрини улуғлашдир. Дунёдаги барча нарсалар инсонга беминнат хизмат қилиш учун яратилган.

Қуръони каримнинг бир неча оятида бу умуминсоний юксак қадрият алоҳида таъкидланган. Жумладан, “Исро” сурасининг 70-оятда “Батаҳқиқ, Биз Бани Одамни азизу мукаррам қилиб қўйдик ва уларни куруқлик денгизда (улов-ла) кўтардик ҳамда уларни пок нарсалар ила ризқлантирдик ва уни Ўзимиз яратган кўп нарсалардан мутлақо афзал қилиб қўйдик”, дейилади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг муборак ҳадиси шарифларида “Мўмин киши Аллоҳ таоло наздида фаршталардан ҳам мукаррам ва афзалдир”, деган эканлар.

Янги Ўзбекистонда ҳам барча ислохотлар инсоннинг мана шундай фаровон ҳаёт кечирishiга қаратилган.

Инчунин, бугун инсон қадри-қиммати ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасидаги кенг қўламли ислохотлар янада янги поғонага қўтарилмоқда.

Инсондаги азизлик ва мукаррамлик шарафи кишига ғурур-ифтихор бағишлаши баробарида халқ манфаати, дин ривожини ва мамлакат ободлиги йўлида ўз ҳиссасини қўшишга ундайди.

Сўзимни Имом Мотуридий бобоимизнинг Мурожаатномада келтирилган: “Элу юрт билан ҳамдард бўлиб яшагин, токи халқ ҳаммиса сен билан бирга бўлғай”, деган ҳикмати ҳар бир мутасаддининг ҳаётини яхшироқ бўлишига даъват этиш билан раъуйлайман.





www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

МУРОЖААТНОМАНИ ТИНГЛАБ

ВАТАНИМИЗ РАВНАҚИ ВА КЕЛАЖАК
ИСТИҚБОЛИМИЗНИ БЕЛГИЛОВЧИ МУҲИМ ҲОДИСАҚаландар АБДУРАҲМОНОВ,
академик

Бошланғич 1-бета

Худди шу, яъни "Инсон манфаати ҳамма нарсдан устун", деган тамойил асосида ишлаб чиқилган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида олиб борилаётган сиёсат, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, мамлакатимизда эркин фуқаролик жамияти яратиш, халқимизнинг муносиб турмуш кечиришини таъминлашга доир ҳолатларга йўғрилган ва амалда шундай бўлаётган ҳам.

Аслида, ҳаётимиздаги ҳар бир ўзгариш муҳим воқеа. Жамиятимиздаги ҳар қандай янгилик зўр бир ҳодиса. Лекин биз кутадиган яна бир ҳодиса борки, унда айтиладиган фикрлар, илгари суриладиган ташаббуслар бутун мамлакат ва бутун халққа дахлдорлиги билан ажралиб туради. Бу Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасидир. Йилда бир бор бўладиган маъруза Мурожаатнома нафақат қилинган ишлар сарҳисоби, балки қилинажак ишлар, эртанги кунимиз учун муҳим режаларни белгилаш, талланган йўлимиз истиқболни таҳлил этувчи дадга катта маъна, келгуси фазолиятимиз учун муҳим дастуриламал ҳисобланади. Бу тадбир халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Чунки ҳар бир Мурожаатномада кейинги йилларга мўлжалланган эзгу мақсадларимиз, режаларимиз аниқлаштириб олинди ва яил бошиданок уларнинг ижросига киришилади.

Янада диққатга сазовор жиҳати, ундаги гоё ва тақлифлар айнан одамлар кутаётган, ҳаётимизни янада яхшилашга, мамлакатимизни бундан-да тараққий эттиришга қаратилган масалалардир. Ундан барча тармоқ ва йўналишларга оид саволларга жавоб топиш мумкин.

Шундай. Ўзбекистонда бу тадбир анъанага айланган. 2017 йилдан буён тугаётган йилдаги асосий кўрсаткичлар, янаги йилга мўлжалланган мақсад ва вазифалар айнан Мурожаатнома орқали эълон қилинади. Шу жиҳатдан олганда, унга бутун халқимиз, жамоатчилик, хориж давлатлари, нуфузли халқаро ташкилотлар катта қизиқиш билан қарайди, десак, асло муболага бўлмайди.

Президентимизнинг жорий йилги Мурожаатномасида ҳам аввалгиларидек, 2023 йилга режалаштирилган улкан мақсад ва режаларимиз батафсил келтириб ўтилди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ўз олдига қўйган вазифаларни чуқур таҳлил қилиб берди.

Эркин ва фаровон яшаш
кафолати

Мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўлиқ кафолатланган. "Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик" гоёси асосида шаклланган ушбу тамойил тўғрисида одамларимиз доимий ҳимояда. Уларнинг дарду ташвишини енгиллаштиришни мамлакат узининг энг устувор ва долзарб вазифалари сифатида зиммасига олган. Бинобарин, Ўзбекистонда Инсон ҳуқуқлари миллий стратегияси қабул қилиниб, тарихда биринчи марта мамлакатимиз БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашига аъзо этиб сайланиши ана шу сазой ҳаракатлар мевасидир.

Бу — бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилган ислохотлар бутун шакл-шамойилини амалий ижроси билан одамлар учун эканлигини ва бу ишлар халқаро микёсда тан олинаётганини аниқлатади.

Бу — сўнгги беш йилда янада юқори марраларни қўзлаган Янги Ўзбекистоннинг янги сиёсати самараси. Ҳаётнинг ўзи исботлаётган бугунги кун ҳақиқати.

Бу — одамларни асосий бойлик сифатида қадрлайдиган, эъзозлайдиган мамлакат ривожининг бош мезони. Зеро, Президентимиз навбатдаги Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига

Мурожаатномасида сўзни мамлакатимиз нуфусидан бошлагани ислохотлар бундан кейин ҳам аҳоли фаровонлиги йўлида қатъий давом эттирилишини билдиради.

Бунинг Президентимизнинг "Беҳисоб шукр, бу йил аҳолимиз 36 миллиондан ошди. Ҳар йили сафимизга қариб 900 минг янги авлод қўшилмоқда.

Ўзбекистон деб аталмиш катта ва иноқ оиланинг ҳар бир аъзоси тинч ва фаровон ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароитлар яратиш учун тинимсиз изланаямиз", деган сўзларидан ҳам англаш қийин эмас.

Муҳими, бу жараён тўхтаб қолмайди, аксинча, изчил ва фаол давом эттирилади. Нимага асосланиб, бундай фикрлаямиз? Бунинг жавоби ҳам Мурожаатномада аниқ ва лўнда қилиб айтилди. Аниқроғи, Президентимиз томонидан **2023 йилга юртимизда "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили"**, деб ном берилишининг ўзидек бундан буёғига ҳам Ўзбекистонда ўзгаришлар, янгиланишлар, ислохотлар, олиб борилаётган сиёсат марказида инсон ва унинг манфаати

“

ЎЗБЕКИСТОНДА БУ ТАДБИР АНЪАНАГА АЙЛАНГАН. 2017 ЙИЛДАН БУЁН ТУГАЁТГАН ЙИЛДАГИ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР, ЯНАГИ ЙИЛГА МЎЛЖАЛАНГАН МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР АЙНАН МУРОЖААТНОМА ОРҚАЛИ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ. ШУ ЈИХАТДАН ОЛГАНДА, УНГА БУТУН ХАЛҚИМИЗ, ЈАМОАТЧИЛИК, ХОРИЈ ДАВЛАТЛАРИ, НУФУЗЛИ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР КАТТА ҚИЗИҚИШ БИЛАН ҚАРАЙДИ, ДЕСАК, АСЛО МУБОЛАГА БЎЛМАЙДИ.

устувор мақсад ҳамда вазифа бўлиб қолишидан, бу шу муқаддас заминда, юрtdа яшаётган ҳар бир инсоннинг тинч ва бахтли ҳаёт кечириши, унинг соғлиғи жойида бўлиши, яхши таълим олиши, оиласини тебратиши учун қандай шароит керак бўлса, ҳаммасини яратиб беришга ҳаракат қилинаётганидан далолатдир.

Бунга яна бир далил сифатида Президентимизнинг "...Биз Янги Ўзбекистонни "ижтимоий давлат" тамойили асосида қуришни мақсад қилаямиз. Бунинг Конституцияда муस्ताқамлашимиз керак.



80 фоиздан ортиги темир йўл, 18 фоиздан ортиги эса автомобиль транспорти ҳиссасига тўғри келган.

Таъкидлаш керакки, Европа ва Осиё ўртасидаги энг қисқа трансконтинентал йўналишлар туркий давлатлар орқали ўтади. Шунинг учун уларнинг бирлашуви ва интеграциялашуви нафақат транзит юк ташиш ҳажми ошишига олиб келади, балки Евроосиё қўтасининг барча мамлакатлари ривожланишига фаол ҳисса қўшади.

Ўзбекистонда кейинги йилларда худудларни бир-бирига боғлайдиган янги транспорт коммуникацияларини барпо этиш бўйича фаол ҳаракатлар олиб борилаётгани ҳам диққатга сазовордир. "Термиз — Мозори-Шариф — Қобул — Пешовар" ҳамда "Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон" темир йўллари қурилиши лойиҳалари шулар жумласидан.

Бундан ташқари, минтақа давлатларининг биргаликдаги сазой ҳаракатлари билан "Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон — Афғонистон" ҳамда "Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари — Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон — Туркменистон — Озарбайжон — Грузия — Туркия — Европа" янги мультимодал транспорт йўналишлари ишлаб чиқилди. Яқинда, яъни жорий йилнинг 16 декабрь куни ана шу келишувлар натижасида Олмалиқ кон-металлургия комбинати юклари орталган биринчи контейнер блок поезде Болгариянинг Бургас портига юборилди. Бу фикр ва рақамларни нимага келтиряймиз? Мамлакатнинг халқаро доирадаги алоқалари, жаҳон бозори билан интеграциялашуви ана шундай ҳамкорликларга бевосита боғлиқ.

Бундан ташқари, охириги олти йилда мамлакатимиз бўйича қариб 300 мингта ёки аввалги йилларга нисбатан 10 баробар кўп уй-жойлар барпо этилган. Гап бунёдкорлик ҳақида кетар экан, лойиҳалари аҳоли билан маслаҳатлашган ҳолда ишлаб чиқилаётган "Янги Ўзбекистон" массивларидаги ишларни алоҳида таъкидлаш зарур. Бинобарин, ҳозирги кунда республикамиздаги 29 "Янги Ўзбекистон" массивида 21 минг 312 хонадонга мўлжалланган 619 замонавий уй-жойлар қад ростилапти. Кўп қаватли уйлар ҳамда муҳандислик-транспорт коммуникациялари, ижтимоий соҳа, ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари билан бир бутун комплекс тарзда қуриляпти. Келгуси беш йилда 250 мингдан зиёд оила замонавий қулайликларга эга бўлган уй-жойлар билан таъминланади. Бу ҳам **Ўзбекистон сиёсати инсонпарварлик тамойилларига йўғрилганига** яна бир мисол бўла олади.

оширишга қаратилган ишлар шулар сирасидан. Бунда Туркий давлатлар ташкилотининг транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлик дастури муҳим аҳамият касб этмоқда.

2021 йилда Ўзбекистоннинг ТДТга аъзо мамлакатлар билан ташқи савдо айланмаси 8,3 миллиард долларни, шундан экспорт ҳажми 3,1 миллиард долларни, импорт ҳажми 5,3 миллиард долларни ташкил этди.

Ўзбекистоннинг ТДТ давлатлари билан 2021 йилда юк ташиш ҳажми 27,6 миллион тоннани ташкил этган бўлиб, шундан



Республикамизда келгуси беш йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ҳажмини 100 миллиард долларга, йиллик экспорт ҳажмини эса 30 миллиард долларга етказиш режалаштирилган. Агар 2018 йилда бу кўрсаткич 52 миллиард долларни ташкил этганини, жорий йилда 80 миллиард доллардан ошганини инобатга олсак, биз кўзланган маррани эътиб эътиборимизга шак-шубҳа йўқ.

2030 йилгача қўзланган яна бир мақсадимиз бор: Ўзбекистоннинг аҳолиси ўртадан юқори даромад оладиган давлатлар қаторидан жой олиши. Бугунги ҳаракатлар шижоати, ислохотлар ижтимоий ва фаоллиги ушбу мақсадларга эришишимизга пухта замин яратади.

Инсон капиталига
эътибор — доим долзарб
ва муҳим

"Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир". Маърифатпарвар аллома Абдулла Авлонийнинг бу сўзлари асрибми бошида қанчалик муҳим ва долзарб



аҳамият касб этган бўлса, бугун ҳам ундан кам эмас. Шу маънода уни қанчалик такрорласак, амал қилсак арзийди. Чунки инсон камали учун капитал, аввало, таълим ва тарбия йўли билан йўналтирилади. Сўнгги беш йилда мамлакатимизда 21 мингдан ортиқ янги мактабгача таълим ташкилоти ташкил этилиб, ушбу масканларда тарбия олаётган болаларимиз қамрови аввалги 27 фоиздан 67 фоизга кўтарилди.

Бундан ташқари, 200 га яқин янги мактаблар барпо этилди, 3 мингдан ортиқ мавжуд мактаблар эса реконструкция қилинди ва тўлиқ жиҳозланди.

Шу ўтган қисқа даврда 82 та янги университет ва институт, жумладан, 23 та хорижий олийгоҳ ташкил этилиб, олий таълим даргоҳларининг умумий сони 159 тага етди. Натижада мактаб битирувчиларининг олий таълим билан қамров даражаси олдинги 9 фоиздан 28 фоизга етказилди ва бу йўналишдаги ишларимиз давом этмоқда.

2023 йилнинг Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили, деб белгилашни бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда яна бир катта қадам бўлади. Бинобарин, Мурожаатномада биринчи навбатда, эътибор Янги Ўзбекистон учун энг катта инвестиция бўлган таълимни кўллаб-қувватлашга қаратилиши таъкидланади.

Уқитувчиларнинг мақомини, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилишни

Конституцияда алоҳида белгилаш зарурлиги қайд этилди.

Шунингдек, келгуси йилдан бошланғич синфларда мутлақо янги методика асосида яратилган дарсликлар бўйича ўқитиш йўлга қўйилади.

"Халқимизда "Таълим ва тарбия бешқадан бошланади" деган ҳикматли бир сўз бор. Фақат маърифат инсонни камолга, жамиятни тараққиётга етказмайди. Шу сабабли таълим соҳасидаги давлат сиёсати узлуксиз таълим тизими принциплари асосланиши, яъни таълим боғчадан бошланиши ва бутун умр давом этиши лозим", дея таъкидлаганди давлатимиз раҳбари 2018 йилги Мурожаатномасида. 2023 йилнинг айнан сифатли таълим инсон камалига аталгани бу борадаги ишлар ижтимоий руҳи ва аҳамиятини яна бир қарра исботлади.

Президент таъкидлаганидек, болаларимиз мактабдан она тили ва чет тилларини пухта ўзлаштириб, компьютерда ишлашни ўрганиб чиқиши зарур. Фарзандларимизни касб-хунарларга, санъат ва маданиятга қизиқтиришимиз лозим.

Уқувчиларда эркин, танқидий ва креатив фикрлашни, жамоада ишлаш ва мулоқот кўникмаларини шакллантириш зарур. Шу боис, 2023 йилдан мактаб таълимни халқаро таълим дастурлари асосида бутунлай ислох қилиш бошланади. Келаётган йилда жойларда 70 та янги мактаб қурилади, 460 таси кенгайтирилади. Хусусий инвестициялар иштирокида 100 та мактаб қуриш лойиҳалари бошланади, келаси беш йилда уларнинг сони мингтага етказилади.

Қорақалпоғистон ва Хоразмда йўлга қўйилган бошланғич синф ўқувчилари учун бепул овқатланиш амалиёти келаси ўқув йиллигидан барча худудларда жорий этилади.

Шунингдек, 700 дан ортиқ касб-хунар мактаби, коллеж ва техникумлар имкониятидан самарали фойдаланиш мақсадида уларда янги дастур амалия оширилади. Ҳар бир вилоятда биттадан техникумда Европа касбий таълим стандартлари жорий этилади.

Кимё санъати, электротехника, транспорт ва энергетика соҳаларида нуфузли халқаро ташкилотлар билан бирга, алоҳида Мухандислик мактаблари ташкил қилинади. Бу тўғрисида Президент таъбири билан айтганда, янги замон инженерлари тайёрланади.

Кейинги беш йилда боғчалар сони кўпайтирилиб, улардаги таълим ва тарбия сифатини тўбдан яхшилаш учун дастур қабул қилинади. Боғча қамровини кенгайтириш бўйича хусусий секторга

қўшимча шароитлар яратилади. Пировардига, мактабгача таълим соҳасида қамров даражаси 80 фоизга етказилади. Мактаб таълими тизими учун ўқув дастурлари ва дарсликлар илғор хорижий тажриба асосида тўлиқ қайта ишланади ҳамда янги мактаблар барпо этилади. Олий таълим соҳасидаги қамров даражаси оширилади.

Профессионал таълим тизимини илғор халқаро стандартлар асосида тақомиллаштириш, шунингдек, юқори малакали мутахассисларни замон талабларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт эҳтиёжлари учун IT ва муҳандислик йўналишларига иختисослаштириш устувор вазифа сифатида белгилаб олинган.

Ҳар қандай жамият тараққиёти ва истиқболли бўлиб олинган вазифаларга боғлиқ. Шу маънода, кенг дунёқарашли баркамол авлод ҳамда замонавий фикрловчи, чуқур билим ва салоҳиятга эга бўлган кадрлар ривожланиш гаровидир. Бунда эса таълим-тарбия жараёнининг ўрни беқиёс.

Ўзбекистон ўз олдига Учтинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улғу мақсадни қўйган. Мурожаатномада келтирилган вазифалар, тақлиф ва ташаббуслар миллий тараққиётимизнинг янги даври пойдеворини яратишга хизмат қилишига шубҳа йўқ. Зеро, унда кўрсатилган вазифа-мақсадлар жуда кўп. Мақолада уларнинг айримларига тўхталиб ўтдик, холос.

БУГУННИНГ ГАПИ

ИҚТИСОДИЙ БАҲҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

катта масъулият ва фидойилик талаб қилади

Алишер МИРСОАТОВ,
иқтисодий фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ўзбекистонни яқин йилларда комплекс ривожлантиришнинг устувор жиҳатлари белгилаб берилгани билан аҳамиятли бўлган Президентимиз Мурожаатномасида жамиятимизни ижтимоий-иқтисодий юксалтиришнинг барча соҳалари қамраб олинган. Маъмурий, иқтисодий-ижтимоий соҳаларга доир тақлиф ва аниқ ечимлар ўзининг стратегик аҳамияти билан мамлакатимиз ривожига ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Давлат бошқарувининг сифати унинг иқтисодий самарадорлиги ва фуқаролар фаровонлиги калитидир. Давлат органлари ва уларнинг раҳбарлари ўзгарувчан шароитларга, айниқса, инқироз даврида мослашувчан бўлиши жуда муҳим. Тўланган тажрибалар кўрсатишда, кучли ва самарали бошқарув тизимига эга давлатлар ўз тараққиёт йўлидан бардавом олган интилоқда.

Давлатимиз раҳбари Мурожаатномада ушбу масалага алоҳида тўхталиб, фаровонлик ошгани сайин аҳолимизнинг талаб ва эҳтиёжлари ҳам ортиб бораётганини қайд этди. Мамлакатимиз тараққиётини янги поғонага олиб чиқиш учун бошқарув ҳам, қонунчилик ҳам, жамиятимиз ҳам ўзгариши кераклигини таъкидлади.

Мурожаатномада асосий йўналишлардан бири сифатида эркин бозор механизмларини жорий қилиш, соғлом рақобат ва хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида билдирилган тақлифлар ўзининг аҳамияти билан бугунги вазиятга тўла мос келади.

Бугунги мураккаб шароитда юртимиздаги кенг қамровли ислохотлар, Янги Ўзбекистонни барпо этиш сари ташланаётган дадил қадамларимизнинг бардавом бўлишини таъминлаш энг асосий вазифамиз бўлиши шартлигини яқини аниқлаймиш. Глобал инқироз шароитида иқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлаш, жойлардаги мавжуд муаммоларни манзилли ҳал этиш, кўмакка муҳтож юрtdошларимизни қўллаб-қувватлаш барчамиздан катта масъулият талаб қилади.

Айтиб ўтилганидек, дунёда мураккаб геосиёсий вазият кузатиляпти, энергия ресурслари танқислиги кучайиб, озиқ-овқатга эҳтиёж ортапти, молиявий ресурслар қимматлашяпти. Шунга қарамай, юртимизда иқтисодий ислохотлар қатъий давом эттирилиб, ички имкониятлар тўлиқ сафарбар қилинган ҳолда хусусий секторни янада қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Худудлар ўртасида иқтисодий тафовутлар мавжуд. Бу, ўз навбатида, барча туман ва шаҳарларни бир маромда ривожлантириш бўйича янги қадамлар жорий этишни тақозо қилади. Давлатимиз раҳбари мазкур масала юзасидан чуқур таҳлилга асосланган тақлифларни илгари сурди. Унга кўра, келгуси йилдан бошлаб туман ва шаҳарлар мавжуд шароити, соҳаюшти ва имкониятларидан келиб чиқиб, тоифаларга ажратилади. Булар — тадбиркорлик учун ҳар томонлама ривожланган, инфратузилмаси

яқши, шароити нисбатан қонуқарли бўлган, жозибadorлиги етарли бўлмаган ва шароити оғир тоифалар.



Бу, биринчи навбатда, худудларни ривожлантириш бўйича аниқ режалар тузиш ва давлат дастурларида самарага эга вазифалар белгилаш имконини беради. Иккинчидан, субсидия, кредит ва компенсациялар ажратилишида мутаносиблик таъминланади. Улар учун алоҳида солиқ ставкалари қўлланиши эса иқтисодий самарадорликни таъминлашга муносиб ҳисса бўлади. Мазкур тизим орқали энг оғир шароитга эга бўлган худуд тез фурсатларда ривожланиш режимига ўтади. Айланмадан олинadиган солиқ, фойда солиғи, ижтимоий солиқ ставкалари 1 фой миқдорда қўлланиши, тадбиркорлар ер ва мол-мулк солиқлари бўйича ҳисобланган сумманинг 1 фойзини тўлаши ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг қатъий ставкада солиқларини тўлашдан овоз этилиши уларда қўшимча айланма маблағларни пайдо қилади.

Мурожаатномада келтирилган муҳим йўналишлардан яна бири — 2023 йилга мўлжалланган солиқ сиёсати. Солиқ сиёсатидаги энг муҳим ўзгариш эса тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш борасида солиқ ставкаларини пасайтириш ва унификация қилиш ҳамда қўшимча қўлайликлар яратиш мақсадида қўшилган қиймат солиқ ставкасини амалдаги 15 фойздан 12 фойзгача пасайтириш бўлди. Солиқ ставкасининг уч фойз пасай-

тирилиши тадбиркорлар ихтиёрида қўшимча 14 триллион сўм айланма маблағ қолдиради. Прогнозга кўра, ушбу солиқ бўйича тушумлар жорий йилдагига нисбатан 16 триллион сўм кўп бўлади. 2023 йил 1 апрелдан бошлаб бюджет маблағлари ҳисобидан кўрсатиладиган қатор хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиғидан имтиёзлар бекор қилинмоқда. Шу билан бирга, 2023 йилда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан берилган солиқ ва боғжона имтиёзларининг муддатлари туғати бюджет даромадларида инобатга олинган. Шунингдек, тадбиркорларга қўшимча енгилликлар яратиш учун айланмадан олинadиган солиқнинг амалдаги 14 фаолият тури бўйича 4 фойздан

25 фойзгача белгиланган ставкалари унификация қилиниб, ягона 4 фойз этиб белгиланяпти. Бунда худуд ва фаолият турига қараб, 1 фойздан 3 фойзгача белгиланган пасайтирилган ставкалар сақланиб қолади.

Товар айланмаси 500 миллион сўмгача бўлган тадбиркорлар учун йилга 20 миллион сўм, айланмаси 500 миллион сўмдан юқори бўлганлар учун йилга 30 миллион сўм миқдорда қатъий белгиланган солиқни ҳар ойда тенг улушларда тўлаш ҳуқуқи берилди. Ушбу солиқ тўловчилар бухгалтерия ҳисобини юриштирдан ҳамда фойдасидан тўланадиган



дивидент солиғидан овоз қилинади. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида товар айланмаси 1 миллиард сўмдан ошган кичик бизнес тоифасига кирувчи тадбиркорлар учун 1 йил давомида фойда солиғи ставкасини 2 баробар камайтириш кўзда тутиляпти.

Маҳаллий бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлаш учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари ва базалари инфляция доирасида ёки 10 фойз индексация қилиниши назарда тутилган. Бунда акция солиғи ставкалари индексациясини 2023 йил 1 февралдан амалга ошириш режалаштирилган.

Қайд этилдики, бизнес муҳитини яхшилаш учун фақат солиқни камайтиришнинг ўзи етарли эмас. Тадбиркорлар солиқ, боғжона, ҳоқимлик, электр, кадастр, ёнғин хавфсизлиги, санитар назорат каби идоралар томонидан маъмурий босимлар борлигини билдирган. Шу боис, биринчи навбатда, илгор тажрибалар асосида солиқ ва боғжона маъмуричилиги жиддий ислоҳ қилинади. Бунда ҳамма давлат идораларида тадбиркорларга сервис хизмати кўрсатишни баҳолаш тизими жорий қилинади.

Узоқ йиллар давомида мамлакатимизнинг ориқли нуктаси бўлиб келган соҳа — энергетика тизими. Давлатимиз раҳбари бу масала юзасидан алоҳида

фикр билдирди ҳамда аниқ ечимларга эга тақлифларни илгари сурди.

Сўнги олти йилда аҳолимиз 13 фойз, саноат корхоналари эса 2 баробар ортиб, 45 миңдан 100 миңга кўпайди. Натижада электр энергиясига талаб камида 35 фойз ошди ва йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Агар 1991-2016 йиллар оралиғида 3300 мегаватт янги қувват жорий этилган бўлса, 2017-2021 йилларда 5021 мегаватт янги қувватлар яратилди. Жорий йил бошидан қуввати 1,5 миң мегаватт 7 та электр станцияси ишга туширилди.

Шундай бўлса-да, иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланиши учун энергетика соҳасига 25-30 миллиард доллар инвестиция керак. Сўнги уч йилда соҳага 8 миллиард долларлик тўғридан-тўғри инвестиция жалб қилинди. Бухоро, Наманган ва Хоразмда қуввати 500 мегаватт 3 та қуёш станциясини қуриш бўйича танлов якунланди. Келгуси йилда яна 4,5 миң мегаватт 11 та йирик лойиҳа якунига етказилади. Барпо этиладиган қуёш ва шамол электр станциялари ҳисобидан қўшимча 14 миллиард килловатт электр ишлаб чиқарилади. Натижада хонадонларга берилadиган электр энергияси 50 фойз кўпаяди.

Иқтисодиётимиздаги энергия сарфи бошқа давлатлардагидан 2 баробар юқори экани афсус билан қайд этилди. Шу боис, энергия самарадорлигини ошириш миллий дастури қабул қилинади.

Кичик ҳажмдаги қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кескин оширилади. Республиканинг ҳар бир туман ва шаҳар ҳокими ҳам ўз худудидagi хонадон ва корхоналарда жами 5-10 мегаватт қайта тикланувчи энергия лойиҳаларини амалга ошириши шартлиги белгилаб берилди. Келгуси уч йилда барча давлат ташкилотларида қуёш панеллари ва иссиқ сув коллекторлари ўрнатилади. Ушбу мақсадларда 2 миллиард доллар миқдорда инвестиция жалб қилинади. Аҳоли хонадонларида эса қуёш панелари ўрнатишга ажратилadиган субсидиялар ҳажми 2 баробар кўпайтирилади.

66 СЎНГИ ОЛТИ ЙИЛДА АҲОЛИМИЗ 13 ФОИЗ, САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ЭСА 2 БАРОБАР ОРТИБ, 45 МИНГДАН 100 МИНГГА КЎПАЙДИ. НАТИЖАДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИГА ТАЛАБ КАМИДА 35 ФОИЗ ОШДИ ВА ЙИЛДАН-ЙИЛГА КЎПАЙИБ БОРМОҚДА. АГАР 1991-2016 ЙИЛЛАР ОРАЛИГИДА 3300 МЕГАВАТТ ЯНГИ ҚУВВАТ ЖОРИЙ ЭТИЛГАН БЎЛСА, 2017-2021 ЙИЛЛАРДА 5021 МЕГАВАТТ ЯНГИ ҚУВВАТЛАР ЯРАТИЛДИ. ЖОРИЙ ЙИЛ БОШИДАН ҚУВВАТИ 1,5 МИНГ МЕГАВАТТЛИ 7 ТА ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ ИШГА ТУШИРИЛДИ.

НУҚТАИ НАЗАР

ЯНГИЧА ҚАРАШ, ЯНГИ ҒОЯЛАР САРИ ЙЎЛ

Абдулла ХУРСАНОВ,
“Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ бошқаруви раиси, сенатор

Кун кеча мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасини катта қизиқиш ва эътибор билан кўрдик ва тингладик. Юртимиз тараққиётининг устувор вазифалари кўрсатиб берилган Мурожаатномадан халқимиз бахт-саодати, фаровонлиги, юртимиз раванакига хизмат қилadиган жуда муҳим, жуда аҳамиятли йўналишлар, тезислар ўрин олган.

Бир фуқаро сифатида мен Президентимизнинг мулоҳазаларидан жуда таъсирландим. Давлатимиз раҳбари энергетика мавзусида гапирар экан, “Афсуски, иқтисодиётимизда энергия сарфи бошқа давлатлардан 2 баробар юқори. Шунинг учун энергия самарадорлигини ошириш миллий дастурини қабул қиламиш”, деди ва бу борада тегишли кўрсатмалар берди. Ҳақиқатан, энергия сарфи бизда нега бошқа давлатларга қараганда икки баробар юқори? Ҳар биримизни ўйлантирадиган муаммо бу. Демак, қаердадир ҳалотлик йўл қўйяпти. Энергияни тежаб ишлатишни билмаймиз. Албатта, трансформаторларимиз, бошқа техниками эскирган, таъмирга муҳтож. Лекин одамлар онгиди ҳам тежамкорлик ҳиссини шакллантиришимиз керак. Шунга эришмасак,

муаммо ижобий ҳал бўлмайди. Шундай эмасми?

Бизнинг комбинатимиз каби йирик ишлаб чиқариш корхоналари ўз истеъмоли учун 1 миң мегаваттлик қуёш фотоэлектр станцияларини ўрнатса, йилга 2,5 миллиард килловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилиб, эҳтиёжини қондиришга йўналтирилади. Бу билан ҳам электр энергиясини, ҳам газни тежамкор бўламиз, қолаверса, худудларда экологик ҳолат янада яхшиланади.

Олмалиқ кон-металлургия комбинатида энергия тежамкорлик бўйича “йўл харитаси” ишлаб чиқилди. Комбинатнинг ҳар бир ишчи-ходими иш жойи ва хонадонда энергия ресурсларини тежашига оид тарбиёт тадбирлари олиб борилади. Жорий йилнинг ўзида комбинатнинг икки-



та объектига умумий қуввати 750 килловат бўлган кичик қуёш фотоэлектр станцияси қурилиб, фойдаланишга топширилди. 2023 йил якунига қадар комбинатнинг 19 та объектига умумий қуввати 9 мегаватт бўлган қуёш панеллари ўрнатилди. Бу ишлар натижасида энергия сарф-ҳаражатлари салмоқли равишда тежалишига эришилади.

Ҳозирги вақтда тўғридан-тўғри хоржий инвестициялар ҳисобига 100 мегаватт қувватга эга қуёш фотоэлектр станцияси лойиҳаси бўйича ишлар олиб бориляпти. Бу билан ушбу станцияни тўғридан-тўғри комбинатнинг мавжуд электр тармоғи-

га улаш ва электр энергияси ишлаб чиқаришда табиий газдан фойдаланишни камайтириш, шунингдек, комбинат томонидан экологик тоза электр энергиясини узоқ муддат давомида кафолатланган тарзда сотиб олиш назарда тутилмоқда.

Мамлакатимизда яратилган шароитлар натижасида Олмалиқ кон-металлургия комбинати 2022 йилда белгиланган барча кўрсаткичларни ортми билан бажаришга эришди.

Албатта, шу билан бирга, олдимизда янада долзарб вазифалар турибди. 2023 йилда мамлакатимиз тараққиётида муҳим аҳамият касб этувчи Ёшлик-1 конини ўзлаштиришнинг биринчи босқичи якунига етказилиб, 60 миллион тонна рудани қайта ишлаш қувватига эга 3-ми боитиш фабрикаси ишга туширилади. Келгуси йилда рудани қайта ишлаш 100 миллион тоннага етказилади.

Шундан сўнг 4-ми боитиш фабрикаси ва янги мис эритиш заводи лойиҳаларини бошлаймиш.

Мазкур мегалойиҳанинг биринчи босқичида — 2021-2025 йилларда 300 миң тонна мис катоди, 25 тонна олтин ва 176 тонна қумуш олинади. Кейинги босқичларда мис ишлаб чиқариш 500 миң тоннага етказилиб, 50 тонна олтин, 340 тонна қумуш ишлаб чиқарилади.



мис хомашёси, рангли, нодир ва ноёб металллар, шу жумладан, қимматбаҳо компонентларни олишга йўналтирилган илмий ишланмалар ҳамда тадқиқотлар давом эттирилади. Шунингдек, маҳаллийлаштириш, рақамлаштириш дастурлари, мис саноати кластерини ташкил этиш лойиҳалари ҳам босқичма-босқич амалга оширилади.

Мурожаатномадаги яна бир муҳим жиҳатга тўхталмоқчиман. 2023 йилда тайёр маҳсулотлар экспортини қўшимча 4 миллиард долларга ошириш асосий мақсад экани, 2023 йилда экспорт ҳажми мамлакат тарихида илк бор 23 миллиард доллардан ортиши таъкидланди.

2022 йилда мамлакатимиз иқтисодиёти 5,5 фойз ўсиши, экспорт 13 фойздан кўпроқ ошиб, 19 миллиард долларга етиши кутиляпти. 2023 йилда ялли ички маҳсулот ҳажми камида 5,3 фойз ўсиши прогноз қилинмоқда.

Дунёда сақланиб қолаётган мураккаб вазиятга қарамай, келгуси йилда саноатда 5,1 фойз, қишлоқ хўжалигида 3,5 фойз, хизматлар соҳасида 14,1 фойз ўсишга эришиш бўйича муҳим вазифалар белгиланди. Аниқланган захиралар ҳисобига саноат ишлаб чиқариш ҳажмини қўшимча 12 триллион сўмга ошириш имконияти мавжуд. Тадбиркорликни ривожлантиришга 10 триллион сўм ажратилади. Иқтисодиётга банклар ҳисобидан 200 триллион сўм кредит ва ҳаққор молия ташкилотларидан 500 миллион доллар узоқ муддатли молиявий ресурслар жалб қилинади.

Келгуси йилда тўғридан-тўғри хоржий инвестиция ва кредитларни 19 фойз ошириб, қарийб 10 миллиард долларга етказиш ҳамда 8 миллиард долларлик янги йирик лойиҳаларни бошлаш кўзда тутилган. Шунингдек, худудларда қарийб 8 миллиард долларлик 300 га яқин йирик лойиҳа ишга туширилади. Бу, ўз навбатида, худудий саноатни 11 фойз оширишга имкон беради.

Қайд этилдики, сўнги олти йилда инвестициялар ҳажми ялли ички маҳсулотнинг 30 фойздан ошди. Келгуси йили қарийб 30 миллиард доллар сармоғ жалб қилинади, шундан 25 миллиард доллар хусусий инвестициялар бўлади.

Фоол инвестицияларни жалб қилишда хусусийлаштириш ва давлат-хусусий шериклик имкониятларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш зарур. Келгуси йили 1 миңга яқин корхона савдога чиқарилади. Жумладан, энг йирик 10 та компания ва тижорат банкларининг акциялари IPO ўтказиш орқали аҳолимиз учун очик ва шаффоф савдога чиқарилади.

Жорий йилдан “Янги Ўзбекистон — рақобатдоршо маҳсулотлар юрти” дастури амалга ошириляпти. Бир йилнинг ўзида 2 миңга яқин тадбиркор илк бор ташқи бозорларга чиқди. Унинг самараси натижасида 2023 йилда тайёр маҳсулотлар экспортини қўшимча 4 миллиард долларга ошиши ва пировардида, экспорт ҳажми тарихимизда илк бор 23 миллиард доллардан ортиши мақсад қилинган. Бунга эришиш учун Европа бозорларига тўқимачилик, электротехника, чарм-поябзал ва бошқа тайёр маҳсулотлар экспортини камида 2 баробар ошириш мўлжал қилинган.

Шунингдек, айни вақтда долзарб мавзу саналган мулк дахлсизлигини таъминлаш инвестицион жозибadorликни оширишга хизмат қилади. Мулк ва инвестиция ҳимоясини кучайтириш мақсадида Халқаро тижорат судини ташкил қилиш бўйича амалий ишларнинг бошлангани бу борадаги тизимли тадбирлар изчил давом этаётганини намойён қилади.

Мурожаатномада белгилаб берилган ҳар бир устувор вазифа, йўналиш ва билдирилган тақлифлар ҳаётийлиги билан “Авал инсон, кейин жамият ва давлат” деган ғояни амалга оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

ИЛМ-ФАН ФИДОЙИЛАРИ

ҚАДИМШУНОСЛАР ДАРҒАСИ

Ҳомиджон ҲОМИДИЙ,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти университети профессори

Номзодлик диссертациясини химия қилганман. Кулоғим Москвага динг. 1968 йил сентябрь ойи бошлари эди. Кунлардан бирида дарсдан чиқиб, энди уйга кетмоқчи бўлиб турувдим, дўстим, тарих фанлари доктори, профессор Абдуғофур Набиев (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) учраб:

— Устоз Яхё Фуломов курортдан қайтган, юринг, зиёрат қилиб келамиз, — деди.

“Хўп”, деб унга эргашдим.

“Россия” меҳмонхонаси рўпарасидаги бинонинг иккинчи қаватида кўтарилиб, эшик кўнгируғини босгандим, устознинг ўзи пешвоз чиқди.

— Хайрият, келиб қолдинглар. Ош дамловдим, келиноийнинг “мазам бўлмапти”, деб хонасига кириб ётиб олди. Энди ошни ким билан ейман, деб ўтирувдим, — деди.

Чойхона паловнинг ўзи бўлибди, бир лаганни учовлон пақос туширдик. Домла Сочи, Москва таассуротларини сўзлаб берди. Қоронғи туша бошлаганда биз кетишга изн сўрадик.

Қўларини юзига тортиб, фотиҳа қилгандан сўнг:

— Ҳамиджон, тўхтаб туринглар, сюрприз бор, сюрприз, — деб иш хоналарига кириб кетди. Бир оздан сўнг чиқиб келди:

— Санаторийдан қайтишда ВАК (Олий аттестация қўмитаси)га кирувдим, номзодлик диссертациянгиз тасдиқланган экан, дипломингизни ола келдим, манг, олинг, — деб икки варақчани берди.

зиёлилари дарс берарди. Яхё Фуломовнинг синфида Мусо Тошмухаммедов, Саидазим Усмонов, Абдулла Бобохонов, Ёқуб Алиев, Буюк Карим сингари иқтидорли ёшлар ҳам таълим оларди.

Интернатда “Кўёш” номли деворий газета мунтазам чиқарилиб турар, унда ўқувчиларнинг дастлабки ижодидан намуналар жой оларди. Урта мактаб хатмидан сўнг Яхё Фуломов Самарқанддаги Педагогика академияси ижтимоий-иқтисодий бўлимида 1927-1930 йилларда тахсил кўради. Бўлажак буюк аллома замонасининг атоқли олимлари Бўлат Солиев, Мусо Саиджонов, Абдурауф Фитрат, Василий Вяткин дарс олади. Бўлат Солиевнинг Туркистон тарихи бўйича маърузалари, устози В.Вяткиннинг археология ва жаҳон тарихи бўйича дарслари унинг қалбига Шарқ тарихига, археологияга меҳор уйғотди. Дорилфунду у араб, форс ҳамда рус тилларини пухта ўрганди. Академик А.Мухаммаджоновнинг ёзишича, Яхё Фуломов 1926-1929 йилларда Афросиёбдаги қазималарда иштирок этган.

1931 йили Тошкентга қайтган Яхё Фуломов педтехникумда дарс бера бошлади. 1933 йили Ўзбекистон Халқ комиссариати ҳузурида Тарихий ёдгорликларни сақлаш ва илмий ўрганиш республика қўмитаси ташкил этилиб, унда Яхё Фуломов илмий ходим, масъул котиб бўлиб ишлайди. 1933-1934 йиллар орасида А.Ю.Якубовский, М.Е.Массон бошчилигида Термиз, Зарафшон археологик экспедицияларида қатнашди: Қўзилтепа, Шахривайрон, Абомуслимтепа, Бобохушарти Ҳазора, Дабусия харобаларини, Бухоро Кампир деворини ўрганишда қатнашиб, дала шароитида археологик қазув-қидирув ишларини ташкил этишда жиддий тажриба оширди. Олим 1936 йилдан Р.Набиев, А.И.Треножин, Т.Мирғиёсов, Б.Н.Засилкин билан ҳамкорликда Хоразм воҳасида археологик қазималарни бошлаб юборар экан. Пилқалъа, Нармижон, Гулдурсун каби мавзеладаги ёдгорликларни



халқлари тарихи”ни яратиш вазифаси қўйилди. Бу фундаментал тадқиқотга юқоридаги олимлар билан бирга маҳаллий тарихчилардан А.А.Семёнов, В.А.Шишкин, Я.Фуломов ҳамда Р.Набиев жалб қилинди. Устоз Яхё Фуломовнинг ташкилотчилик салоҳияти ана шу асарни яратиш жараёнида намоён бўлди. Зеро, китоб яратишга масъул олимларнинг бир қисми Москвага қайтиб кетганди. Энди у Москва, Санкт-Петербург орасида бўзчинлар моқисидай бориб кела бошлади: касбдошларидан муайян болларнинг ёзилган қисмларини олар, баъзи бўлимлар бўйича маслаҳатлашар, бахсу мунозараларга киришар, дўсти С.П.Толстов бу масалаларда унга яқиндан ёрдамлашарди. Бир неча йиллик тинимсиз меҳнат, бахсу талашлар, атоқли олимларнинг бақамти меҳнати туфайли 1950 йили “Ўзбекистон халқлари тарихи” китоби кенг ўқувчилар оммаси қўлига теги.



Гарчи ўша йиллари Фарғонада Қапчиғай, Навоий яқинида Учтут, Тошкент вилоятида Обираҳмат, Қўлбулоқ каби палеолит даври маконлари



“Кенг қамровли ижодкор, шоғирдпарвар, ташаббускор, фанимиз фидойиси, ҳамisha кашфиёт изидан юрган, жаҳоний эътироф соҳиби Яхё Фуломов хотираси ҳамма тарихчилар, хусусан, у кишидан моддий ва маънавий кўмак кўрган шоғирдлари қалбига мангуликка муҳрланган.”

Ҳангу манг бўлиб қолдим: бир устозга қарайман, бир қоғозга. Бехосдан кўзларимда севинч ёшлари қалқиди. Устозни қучқолаб, ўпиб, миннатдорлик изҳор этдим.

— Бунинг чопони борми, чопони? — сўради.

— Чопонини энди дўкандан сотиб оламиз-да, устоз, — дедим шодланиб.

— Тўхтаб туринглар, уйга қарай-чи, битта жилд бор эди, чамамда, — деб яна ичкарига кириб, “Фан номзоди дипломи” деган муқовани олиб чиқди.

— Энди буниси пуллик, — деди муқовани менга узата туриб. Чунтагимдан 3 сўм чиқариб узатдим.

— Мен ҳозир чиқаман, — деб ичкарига кириб, 2 сўм 20 тийин олиб чиқиб берди ва қўшиб қўйди:

— Биз қаерда юрсак ҳам шоғирдларни ўйлаб юрамиз.

... Мен ҳамisha ана шундай буюк зотлардан таълим олганим, айримлари билан бирга ишлаганимдан фахрланаман.

Юртимиз археологлари, этнологу этнографлари, тарихчилари дарғаси, ушбу сатрлар муаллифининг илк устозларидан бири бўлмиш Яхё Фуломов 1908 йили Тошкентда зиёли оиласида туғилган. Унинг отаси Фуломжон шаҳардаги Хожа Аҳор мадрасаси домласи эди. Онаси Сорахон маҳалла отинбиси — мактабдор бўлган. Сорахон ая маҳалла қизлари учун ўз ховлисида мактаб очган. Ёш Яхё ёзиш-чиқиш, ўқиш, дастлабки тўрт амал ҳисоби бўйича билимларни ана шу биринчи муаллими — волидасидан ўрганган. Хат-саводи чиққан Яхё 1918 йили “Намуна” интернат-мактабда ўқиб бошлади. Бу ерда барча фанлар: она тили ва адабиёт, тарих, алгебра, география, табиат ҳатто расм, хаттотлик ҳам ўқитилар эди. Мактаб-интернатда Лутфулло Қори, Ҳайдар Носирий, Исмоил муаллим сингари замоннинг пешқадам

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида сақлаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1264.
80849 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулда босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Башорат Юнусова
Мусаҳҳих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзиллими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза яқини — 00:25 Топширилди — 01:10

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзловнар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz